



ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИЛИШИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Усманова Мухлиса Сагдуллаевна

Тошкент молия институти,

"Солиқлар ва солиққа тортиси" кафедраси

Профессор в.б., и.ф.н.

Email: muhlisa.usmanova@mail.ru

Моб. Тел.(90) 316-07-09

ANALYSIS OF POPULATION INCOME COMPOSITION AND INCOME TAXATION IN UZBEKISTAN

Usmanova Mukhlisa Sagdullayevna

Tashkent Financial Institute,

Department of Taxes and taxation ,

Acting Professor, Candidate of Economic Sciences ,

Muhlisa.usmonova@mail.ru

JEL Classification: H7, H71

Аннотация. Ўзбекистонда аҳолининг реал даромадларини жадал ошириб бориши, уларнинг ихтиёрида қоладиган даромадлар миқдорини кўпайтиши давлат олдида турган жуда муҳим ва долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз ялти ички маҳсулоти ўсиб бормоқда, ўз наъватида аҳолининг реал даромадлари ошириб боришга эришилмоқда. Бу масалада даромадларни солиққа тортиси механизмининг ўрни жуда сезиларлидир. Жисмоний шахсларнинг даромад солиги давлат бюджетининг асосий даромад манбаси бўлиб, унинг ҳисоблаш, ундириши механизмини илмий таҳлил қилиши ўта муҳим зарурият ҳамда мунозарали масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, жисмоний шахсларнинг даромад солиги солиқ солинадиган даромадларга эга жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган асосий бевосита солиқ ҳисобланади. даромад солигининг фискал аҳамиятини ортмаётганлигига сабаб ўзини ўзи банд

қилиб, турли манбалар орқали даромад топаётган жисмоний шахсларнинг солиққа тортисида аниқ бир механизмлар мавжуд эмаслиги, тўлов манбаидан ташқарида топилган даромадлар солиқ органлари томонидан тўлиқ қамраб олинмаётганлиги, якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортисида жаҳоннинг фақатгина айрим мамлакатларида мавжуд бўлган (МДҲ мамлакатлари) даромад солигининг қатъий белгиланган миқдорини ҳанузгача қўлланилаётганлиги, ўзини ўзи банд қилган ва ҳунармандлар уюшмасига аъзо бўлиб, маълум бир тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахсларга уларнинг топаётган даромадлари миқдорига қарамасдан даромад солигидан тўлиқ озодлиги, умуман олганда, даромад манбаига эга бўлган барча фуқароларнинг солиққа тортиси механизми ишилаб чиқилмаганлиги, қонунчилик билан мустаҳкамланмаганлиги ва солиққа тортимайдиган минимал миқдорнинг мавжуд эмаслиги, даромадларни декларациялаши орқали солиқ органларига

тақдим этилишида, разбатлантириши инструментларидан фойдаланилмаётгандык жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини көнг қамровли ва адолатлы солиқ солинишига түсик бўлмоқда.

Мазкур мақолада юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда аҳоли даромадлари таркиби ва уларнинг солиқка тортимиши ҳолати батофсил таҳлил қилинганд.

Abstract. Rapidly increasing the real income of the population in Uzbekistan and increasing the amount of income at their disposal is a very important and urgent issue facing the state. As a result of fundamental reforms carried out over the past years, the gross domestic product of our country is growing, and in turn, the real income of the population is increasing. The role of income taxation mechanism is very significant in this matter. Personal income tax is the main source of income of the state budget, and the scientific analysis of its calculation and collection mechanism is a very important necessity and one of the controversial issues. It is known that personal income tax is the main direct tax on the income of individuals with taxable income. The reason why the fiscal importance of income tax is not increasing is that there are no specific mechanisms for taxation of individuals who are self-employed and earn income through various sources, incomes found outside the source of payment are not fully covered by tax authorities, taxation of individual entrepreneurs exists only in some countries of the world (CIS countries), the fixed amount of income tax is still applied nowadays and there is a complete exemption from income tax for persons who are self-employed and are members of a trade union, engaged in certain business activities, regardless of the amount of income they earn. In general, the fact that the mechanism of taxation of all citizens with a source of income has not been developed, it is not strengthened by legislation and there is no

minimum amount that is not taxed and the fact that incentive instruments are not used in the declaration of income to the tax authorities are obstacles to the comprehensive and fair taxation of personal income tax.

In this article, taking into account the above, the structure of the population's income and their taxation in our country is analyzed in detail.

Калит сўзлар: солиқка тортши механизми, солиқка тортшининг адолат ("тенглик") принципи, солиқ имтиёзлари, солиқ юки, мол-мulkни ижарага беришдан олинган даромадлар, стандарт чегирмалар, солиқ ставкалари.

Key words: taxation mechanism, the principle of fairness ("equality") of taxation, tax incentives, tax burden, income from property rental, standard deductions, tax rates.

Кириш. Жисмоний шахсларнинг даромад солиги давлат бюджетининг асосий даромад манбаси бўлиб, унинг ҳисоблаш, ундириш механизмини илмий таҳлил қилиш ўта муҳим зарурият ҳамда мунозарали масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, жисмоний шахсларнинг даромад солиги солиқ солинадиган даромадларга эга жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган асосий бевосита солиқ ҳисобланади.

"OECD" ривожланган мамлакатларида жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ орқали бюджетга тушадиган тушумлар миқдори солиқ тушумларинг салмоқли, қарийб чорак қисмини ташкил этаётган пайтда Ўзбекистонда мазкур солиқ тури орқали бюджетга тушаётган солиқ миқдори нисбатан камлиги ўтказилган танқидий таҳлиллар орқали маълум бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон учун Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси



Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” кўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланган “2021 учун тасдиқланган бюджет бўйича Фуқаролар учун бюджет” тақдим этилган маълумотларга кўра, 2020 йилда Давлат бюджети даромадлари 132 938,1 млрд. сўмни ташкил этаётган бир вақтда, консолидациялашган бюджет даромадларининг таркибида бюджеттага тушаётган умумий тушумларнинг 11,3 фоизи яъни 15 140,8 млрд. сўм тушум жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи улушига тўғри келаётганлиги, шу каби ДСҚ томонидан бевосита йигиладиган жами солиқ тушумларининг таркибида жисмоний шахсларнинг даромад солиги улуши йилдан йилга камайиб бораётганлиги, 2020 йилда жами солиқ тушумларининг 14,6 фоизи мазкур солиқ тури ҳиссасига тўғри келаётганлиги, ушбу солиқ турининг фискал аҳамиятини ошириш имконияти юқорилигидан далолат беради.

Фикримизча, даромад солифининг фискал аҳамиятини ортмаётганлигига сабаб ўзини ўзи банд қилиб, турли манбалар орқали даромад топаётган жисмоний шахсларнинг солиқка тортишда аниқ бир механизmlар мавжуд эмаслиги, тўлов манбаидан ташқарида топилган даромадлар солиқ органлари томонидан тўлиқ қамраб олинмаётганлиги, якка тартиbdаги тадбиркорларни солиқка тортишда жаҳоннинг фақатгина айrim мамлакатларида мавжуд бўлган (МДҲ мамлакатлари) даромад солифининг қатъий белгиланган миқдорини ҳанузгача қўлланилаётганлиги, ўзини ўзи банд қилган ва ҳунармандлар уюшмасига аъзо бўлиб, маълум бир тадбиркорлик

фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга уларнинг топаётган даромадлари миқдорига қарамасдан даромад солиғидан тўлиқ озодлиги, умуман олганда, даромад манбаига эга бўлган барча фуқароларнинг солиқка тортиш механизми ишлаб чиқилмаганлиги, қонунчилик билан мустаҳкамланмаганлиги ва солиқка тортилмайдиган минимал миқдорнинг мавжуд эмаслиги, даромадларни декларациялаш орқали солиқ органларига тақдим этилишида, рағбатлантириш инструментларидан фойдаланилмаётганлиги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини кенг қамровли ва адолатли солиқ солинишига тўсиқ бўлмоқда.

Даромадларни солиқка тортишда ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилиб келинаётган декларациялаш механизмини жорий қилиниши солиқ солинадиган даромадлар қамровини кенгайтиришга ва мамлакат қонунчилигига мавжуд турли бўшлиқ ва “лазейка”лар орқали яшаб келаётган хуфиёна иқтисодиётга ҳамда коррупция ҳолатларига барҳам беришга восита эканлиги сабабли даромадларни декларациялаш механизмининг хориж амалиётини қўллаш бўйича тадқиқот олиб бориш зарур бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, солиқ солинадиган даромадларига эга бўлмаган ҳамда хориж амалиётидан келиб чиқсан ҳолда харажатлари миқдори декларацияда қўрсатилган даромадлар миқдоридан ортиқ бўлган жисмоний шахслар рўйхати шакллантирилиб, сегментланади ва солиқ органлари томонидан вақт ва қўшимча харажатлар тежалган ҳолда ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар билан алоҳида шуғулланиш имконияти пайдо бўлади.

Умумдекларациялаш

механизмининг жорий этилиши жисмоний шахсларнинг даромадларини тўлиқ ва кенгроқ қамраб олиб, фискал аҳамиятини ошишига, солиқнинг қайта тақсимлаш функцияси орқали жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни қисқаришига ҳамда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ғов бўлган коррупция ва давлат мулкини талон тарож қилиш каби иллатларига қарши механизм сифатида ушбу иллатларни жамиятда кескин камайишига сабаб бўлади.

Халқаро амалиёт тажрибаларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда даромадларни декларация асосида солиққа тортиш механизмини тезроқ ишга тушириш ва такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Материал ва метод. Аҳолининг даромадларини солиққа тортишда жумладан, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўғрисида кўплаб олим ва иқтисодчилар ўзларининг илмий қарашларида фикрларини баён этганлар. О.Абдурахманов жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар моҳиятини очишда унга қуидагича таъриф берган: жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бу фуқароларнинг ҳар қандай қонуний фаолияти манбалари асосида оладиган шахсий даромадларидан давлат фойдасига ўтказадиган эквивалентсиз мажбурий тўловлариридир[1].

Ниязметовнинг монографияси (2017) ва докторлик диссертацияси (2018) да даромадларни декларациялаш тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, ўз қарашларини билдирилган. Хусусан, Ниязметов томонидан Ўзбекистон солиқ тизими халқаро солиқ амалиётидан фарқлантирувчи омиллардан бири, бу даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш механизмининг

мавжуд эмаслиги ҳамда Ўзбекистонда мавжуд даромадларга декларация асосида солиқ солиш механизми кенг қамровли эмаслиги танқид қилинган [2]. Шунингдек, ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг даромад солиғининг давлат бюджетидаги улушини ошириш потенциали юқорилиги ва бунинг учун мазкур солиқ юкини кўтариш ҳисобига эмас, балки солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш ва базасини кенгайтириш орқали амалга оширилиши, бунда эса айнан даромадларни декларация асосида солиққа тортиш механизми энг самарали инструмент ҳисобланиши тўғрисида илмий хулоса қилинган.

Шунингдек, Бозоров (2019) томонидан жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулклари билан боғлиқ даромадлари тўлиқ ва ўз вақтида солиққа тортилмаётганлиги, хусусан жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларни ижарага беришдан олинаётган даромадларни солиққа тортишдаги амалдаги декларациялаш механизми самарали ишламаётганлиги, декларациялаш натижасида солиқ солинадиган даромадларни аниқлаш бўйича маълумотларнинг солиқ идораларидағи маълумотларга бевосита интеграция қилинмаслиги, даромадларни солиққа тортишда ижтимоий харажатларни чегириш ва ҳисобга олиш механизмининг етарлича қўлланилмаслиги танқид қилиниб, Ўзбекистонда декларациялаш механизмини янада такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини таъкидланган [3].

Мақолани тайёрлашда меъёрий хуқуқий хужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари



расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси маълумотларидан олингандлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингандлиги билан белгиланади. Мавзуни ўрганишда умумиқтисодий усувлар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, илмий абстракция, индукция ва дедукция каби усувлардан фойдаланилган.

Натижалар. Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тамойиллари амал қилаётган барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини умумдекларациялаш амалиёти кенг кўлланилади.

Ушбу давлатлар тажрибасини тадқиқ этиш ва республикамиздаги жисмоний шахслар даромадларини декларациялашнинг амалдаги тажрибасини таҳлил килиш шуни кўрсатадики, бизнинг мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни умумдекларациялаш тизимини тадбиқ этиш босқичма – босқич ўтказилиши мақсадга мувофиқdir.

Республикада жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизимининг жорий этилиши, фуқароларнинг даромадларини ошкоралаштириш имкониятини белгилайди, яширин иқтисодиёт йўлига гов бўлиб хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулайроқ шароитларни яратишга кўмаклашади. Фуқаролар жами йиллик даромадларини декларациялаш тизимининг жорий этилиши бозор муносабатларини

шакллантиришнинг объектив ва зарур шарти хисобланади.

Кўйидаги 1.2-жадвалда Республика аҳолисининг 2016-2021 йиллардаги сони, аҳоли даромадлари ва даромадлари таркиби тўғрисидаги маълумот келтирилган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Республикада аҳолининг иқтисодий фаол қисми 2021 йилда 14 980,7 минг кишини ташкил этиб, шундан 13 541,10 нафари иқтисодиётда банд бўлган. Шу йили аҳолининг умумий реал даромадлари 465 271,8 млрд. сўмни ташкил этган. Бунда йиллик аҳоли жон бошига умумий даромадлар 14769,0 минг сўмни, ҳар бир иқтисодий фаол кишига тўғри келадиган даромад 23 289,3 минг сўмни ва иқтисодиётда банд аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 25 585,9 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларнинг бир ойлик микдори ҳар бир иқтисодий фаол кишига ойлик даромад 1 940,8 минг сўмдан, банд аҳоли жон бошига тўғри келадиган ойлик даромад эса 2 132,2 минг сўмдан тўғри келган. 2020 йилда иқтисодий фаол аҳоли сони 14 797,9 минг кишини, 2021 йилга келиб иқтисодий фаол аҳоли сони 14 980,7 минг кишини шундан иқтисодиётда банд бўлган қисми 13 239,55 минг нафарни ташкил этган. 2021 йили аҳолининг умумий реал даромадлари 465 271,8 млрд. сўмни ташкил этган ва аҳоли жон бошига умумий даромадлар 14769,0 минг сўмни, ҳар бир иқтисодий фаол кишига тўғри келадиган даромад эса 27 132,3 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларнинг бир ойлик микдори ҳар бир иқтисодий фаол кишига ойлик даромад 2 261,0 минг сўмдан, банд аҳоли жон бошига тўғри келадиган ойлик даромад эса 2 527,2 минг сўмдан тўғри

келган. Бу ўтган йил якунидаги Марказий банк курси бўйича АҚШ доллари эквивалентида тахминан 241,2 АҚШ долларни ташкил қиласди.

Мазкур кўрсаткичлар таҳлилидан кўринадики, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари жуда кам даражада бўлиб келмоқда. Бундай хulosага келиш учун

кўйида келтирилган хорижий мамлакатлардаги энг кам йиллик иш хаққи бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг расмий сайти (<https://stats.oecd.org/>)дан олинган маълумотлар асосида ҳолатларни таҳлил қилиб ўтишимиз мумкин (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодий фаол ва иқтисодиётда банд аҳоли сони, аҳолининг умумий даромадлари таҳлили [4].

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Аҳолининг умумий сони, минг сўм	31 575,3	32 120,5	32 656,7	33 255,5	33 905,2	34 558,9
2.	Жами меҳнат ресурслари сони, минг сўм	18 488,9	18 666,3	18 829,6	18 949,0	19 158,2	19 334,9
3.	Иқтисодий фаол аҳоли сони, минг сўм	14 022,4	14 357,3	14 641,7	14 876,4	14 797,4	14 980,7
4.	Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм	19 7962,4	23 6893,1	30 0842,7	36 5735,6	41 5085,0	51 5660,7
5.	Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	6215,9	7314,1	9128,6	10 891,3	12 125,6	14 769,0
6.	Аҳоли реал умумий даромадлари, млрд.сўм	18 7517,7	21 6400,1	25 5971,0	31 9336,1	36 7559,6	46 5271,8
7.	Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўм	5887,9	6681,4	7767,0	9 509,6	10 737,3	13 325,8

Мазкур кўрсаткичлар таҳлилидан кўринадики, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари жуда кам даражада бўлиб келмоқда. Бундай хulosага келиш учун кўйида келтирилган хорижий мамлакатлардаги энг кам йиллик иш хақи бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг расмий сайти (<https://stats.oecd.org/>)дан олинган маълумотлар асосида ҳолатларни таҳлил қилиб ўтишимиз мумкин (1.3-жадвал).

2019 йилда энг кам йиллик иш хаққи миқдорининг энг кўп даромад топадиган аҳоли яшайдиган мамлакатларда пешқадамлик Люксембург мамлакатига тўғри келган. Бу ерда йиллик энг кам йиллик (ойлик)

иш хаққи миқдори 26 252,5 (2 187,7) АҚШ долларни ташкил қиласди. Шунингдек, рўйхатда Австралия - 24 874,8 (2 072,9) АҚШ доллари, Нидерландия - 24 826,5 (2 068,8) АҚШ доллари, Германия - 24 015,6 (2 001,3) АҚШ доллари, Белгия - 22 872,6 (1 906,0) АҚШ доллари, Янги Зеландия - 22 475,8 (1 872,9) АҚШ доллари, Франция - 21 948,96 (1 829,0) АҚШ доллари каби мамлакатларда яшовчи фуқароларнинг энг кам йиллик даромадларига келса, рўйхатнинг энг пастки қисмида Россия - 5 026,0 (418,8) АҚШ доллари, Бразилия - 4 967,0 (413,9) АҚШ доллари ва Мексика - 2 510,3



(209,2) АҚШ долларида олинган

Демак, мазкур таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда аҳолининг реал даромадларини жадал ошириб бориш, уларнинг ихтиёрида қоладиган даромадлар миқдорини

даромадлар миқдорига тўғри келган.

кўпайтириш давлат олдида турган жуда муҳим ва долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Бу масалада даромадларни солиққа тортиш механизмининг ўрни жуда сезиларлидир.

1.3-жадвал

Жаҳоннинг 33 мамлакатларидағи энг кам йиллик иш хаққи миқдори, АҚШ долларида[5].

Даври йиллик				
Валюта бирлиги АҚШ долларида				
Time	2016	2017	2018	2019
Country				
Australia	23 915,4	24 128,7	24 481,2	24 874,9
Belgium	23 013,8	22 986,1	22 746,8	22 872,6
Canada	18 615,5	18 939,2	20 946,0	21 280,5
Chile	6 682,2	6 880,9	7 044,4	7 330,7
Colombia	7 296,6	7 484,6	7 677,4	7 860,9
Czech Republic	9 163,1	9 937,7	10 789,9	11 609,0
Estonia	9 098,5	9 616,2	9 890,2	10 443,5
France	22 016,6	21 994,5	21 860,3	21 949,0
Germany	23 268,3	23 845,6	23 439,6	24 015,6
Greece	13 268,7	13 121,6	13 040,0	14 307,4
Hungary	9 355,4	10 511,8	11 049,2	11 544,5
Ireland	19 887,5	20 036,6	20 585,9	20 928,3
Israel	13 926,5	14 662,4	15 416,5	15 287,8
Japan	15 885,1	16 189,5	16 607,6	..
Korea	16 187,9	17 037,8	19 540,8	21 586, 1
Latvia	8 148,6	8 226,5	9 168,8	9 011,7
Lithuania	9 422,6	9 457,7	9 694,0	13 143,5
Luxemburg	25 385,8	25 935,3	25 811,0	26 252,5
Mexico	2 058,3	2 127,0	2 238,5	2 510,3
Netherlands	24 741,1	24 843,1	24 859,9	24 826,5
New Zealand	20 996,7	21 296,7	21 716,3	22 475,8
Poland	12 547,3	13 288,8	13 704,8	14 363,8
Portugal	11 899,7	12 337,1	12 720,3	13 114,5
Slovak Republic	8 764,1	9 291,4	10 001,1	10 553,3
Slovenia	15 506,2	15 562,8	16 015,8	16 578,6
Spain	13 594,4	14 404,6	14 731,8	17 891,7
Turkey	13 481,5	13 090,8	12 848,3	14 060,2
United Kingdom	20 610,8	20 721,4	21 132,2	21 764,4
United States	16 063,3	15 728,3	15 353,3	15 080,0
Costa Rica	9 458,8	9 307,5	9 326,5	9 379,6
Brazil	4 872,0	5 014,8	4 925,3	4 967,0
Russian Federation	3 080,4	3 663,5	4 936,5	5 026,0

Энди қўйидаги жадвалда
мамлакатимизда ахолининг умумий

даромадлари таркибини кўриб чиқамиз.

1.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ахолисининг умумий даромадлари таркиби (%да) [6].

№	Кўрсаткичнинг номи	2019 йил	2020 йил	2021 йил
	Умумий даромадлар-жами	100,0	100,0	100,0
	Шу жумладан:			
1.	Бирламчи даромадлар	76,2	75,4	73,6
1.1	Шундан: Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	73,5	73,3	71,4
1.1.1	Мехнат фаолиятидан олинган даромадлар	69,1	70,0	68,4
a.	Ёлланма ишчиларнинг даромади	27,1	27,0	26,4
6.	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	42,0	43,0	42,0
1.1.2	Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан даромадлар	2,1	2,2	2,0
1.2	Мол-мулқдан олинган даромадлар	2,7	2,1	2,2
2	Трансферлардан олинган даромадлар	23,8	24,6	26,4

Юқоридаги 1.4-жадвал маълумотларидан кўринадики, ахоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар 2019 йилда 69,1 фоизни, 2020 йилда 70,0 фоизини ва 2021-йилда эса 68,4 фоизни ташкил қилган. Яъни таҳлил қилинаётган давр мобайнида нисбатан барқарор тенденцияга эга бўлган. Меҳнат фаолиятидан олинаётган даромадлар таркибини кўриб чиқилса, мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши ёлланма ишчиларнинг даромадларидан ўтган 3 йиллиқда ўртacha

1,6 маротаба ортиқ бўлиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Яъни мамлакатимизда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти, ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар, шунингдек, хонадон, томорқа ёки дехқон хўжаликларида банд бўлишдан олинаётган даромадлар ошиб бормоқда. Бундан ташқари, ахолининг мол-мулқдан олинган (мулкий) даромадлари салмоғи ҳам барқарор тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2019 йилда бу кўрсаткич 2,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 2,2 фоиз бўлган.

1.5-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг бюджетдаги улуши [7].

Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Жами бюджет тушуми (млрд сўм)	102 618	103 566	127 868



Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги (млрд сўм)	12668,9	15141,0	18918,0
ЖШОДС бюджет тушумидаги улуши (%)	12,3	14,6	14,8

Ушбу 1.5-жадвал маълумотларидан жами бюджет тушумлари ошиб бораётганини унга мос равища Жисмоний шахсларда олинадиган даромад солигини ҳам бюджетдаги улуши ошиб бораётганини кўришимиз мумкин. Шу жумладан маълумотлардан кўринадики, Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги 2019-йилда бюджет тушумларининг 12,3 % ини, 2020-йилда 14,6 %ини, 2021-йилда эса 14,8 фоизини ташкил этган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар 2018 йилда 71,0 фоизи, 2019 йилда 69,1 фоизи ва 2020 йилда 70,0 фоизини ташкил қилган. Яъни таҳлил қилинаётган давр мобайнида нисбатан барқарор тенденцияга эга бўлган. Меҳнат фаолиятидан олинаётган даромадлар таркибини кўриб чиқилса, мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадлар улуши ёлланма ишчиларнинг даромадларидан ўтган 3 йилликда ўртacha 1,6 маротаба ортиқ бўлиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Яъни мамлакатимизда якка тартиbdаги тадбиркорлик фаолияти, ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар, шунингдек, хонадон, томорқа ёки дехқон хўжаликларида банд бўлишдан олинаётган даромадлар ошиб бормоқда. Бундан ташқари, аҳолининг мол-мулқдан олинган (мулкий) даромадлари салмоғи ҳам барқарор тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2018 йилда бу кўрсаткич 3,1

фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ҳам 3,0 фоиз бўлган.

Мунозара. Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистон аҳолисининг мустақил равища банд бўлишдан ва мол-мулқдан олинадиган даромадлари ёлланиб ишлашдан олинадиган даромадларга нисбатан ортиб борган. Бироқ, таҳлилларга асосланадиган бўлсак, ушбу ўсиб борувчи даромадларни тўлиқ қамровли ва адолатли соликقا тортиш масаласини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Аҳолининг мустақил бандлик ва мол-мулкни ижарага беришдан, шунингдек, тўлов манбаидан ушлаб қолиш имконияти мавжуд бўлмаган бошқа даромадлардан шаклланадиган даромадларини соликقا тортилиши мукаммал тизим шаклланмаганлиги оқибатида норасмий иқтисодиётни пайдо бўлиб, яшаб келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса аҳоли даромадларини соликقا тортишда тенгсизликни келтириб чиқариб, аҳоли орасида солиқ тўлаш маданиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳоли даромадларидағи бу каби тенгсизликни қисқартириш ва бартараф этиш масаласи ривожланган мамлакатларда маълум даражада ҳал этилган. Бироқ, Ўзбекистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда бу муаммо сифатида ҳанузгача қалқиб чиқмоқда. Шу сабабли, хориж амалиётини чукурроқ ўрганганд ҳолда бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги замонда турли манбалар орқали

шаклланаётган даромадларни солиқقا тортиш мақсадида ҳозирда мавжуд солиқ органлариға даромадлари ҳақида декларация асосида маълум қилиш механизмини тезроқ такомиллаштириш ва қамровини кенгайтириш зарур.

Хулоса. Аҳоли даромадларининг босқичма-босқич умумдекларациялаш механизмини жорий қилиш орқали солиқقا тортиш амалиётини жорий қилиниши зарур. Бунда барча аҳоли учун дастлаб ихтиёрийлик асосида кейинчалик мажбурий тартибда, 1-босқичда (2022 йилдан), давлат органлари мансабдор шахсларининг даромадлари ва йирик харажатлари бўйича, 2-босқичда (2023 йилдан), йиллик обороти 10 млрд. сўмдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари таъсисчиларини даромадларини декларациялаш, 3-босқичда (2025 йилдан), аҳоли қатламиининг йиллик энг кам базавий ҳисоблашнинг 500 бараваридан юқори даромад топган шахсларга мажбурий тартибда даромадлари ҳақида декларация топшириш мажбуриятини қонунчиликка киритиш;

- Солиқ органларининг маъмурчилигини қайта кўриб чиқиб, бевосита декларация асосида солиқ солиш масалалари билан шуғулланувчи маҳсус тузилма шакллантириш, тузилмаларнинг штат бирликларини туман ва шаҳарлардаги иқтисодий фаол аҳоли сонидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш;

- Барча фуқаролар учун истеъмол саватчасидан келиб чиқсан ҳолда ягона стандарт солиқ чегирмаларини жорий қилиш, даромад манбаи оила аъзоларини ҳам инобатга олган ҳолда биргаликда кун кечиришида истеъмол саватчасидан кам бўлган даромад миқдорини солиқдан озод қилиш, бунда 1-гурух

ногиронларига ҳамда оила қарамоғида яшаётган шахслар (фарзандлари, отаоналари) сонидан келиб чиқиб, чегирма миқдорини стандартдан юқорироқ коэффициентни қўллаган ҳолда белгилаш ҳамда давлат томонидан аҳолининг даромад манбаи белгиланган миқдордан паст бўлган тақдирда, аҳоли даромадларидаги бу ижтимоий тенгсизликни қисқартириш мақсадида тақдим этилган декларациялар асосида давлат томонидан фуқароларга манзилли субсидиялар ажратиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, шу орқали давлат аҳолининг кам таъминланган қатламини алоҳида назоратга олиш ва уларни кунлик ҳёт кечириши назоратга олиш имкониятини яратиш;

- Йил якунида декларация тақдим этмаган ёки тўлиқ тақдим этмаган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ҳамда солиқ органи томонидан аниқланган солиқни яшириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича барча имтиёзларни бекор қилган ҳолда солиқни оширилган амалдаги ставгадан икки карра кўп (24%) ставкада ҳисоблаш ва ундириш механизmlарини жорий қилиш;

Зоро, даромадларни умумдекларациялаш тизими даромад солиғининг фискал аҳамиятини ошириб, аҳолининг бой қатламидан кўпроқ солиқ ундирилишини таъминлаган бир пайтда, аҳолининг кам даромадли қатламини ижтимоий ҳимоялаш тизимини яхшилаш, турли чегирмалар жорий қилиш билан солиқнинг фундаментал принципларидан бири, “тенглик” (“адолат”) принципини даромадларга солиқ солищда тўлиқ амал қилинишини таъминлашда асосий восита бўлиб хизмат қиласди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурахмонов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари./ Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2005. Б. - 52-53.
2. Ниязметов И., (2018) “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” докторлик диссертацияси
3. Бозоров А.А. (2019) “Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортишнинг такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси
4. www.stat.uz. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
5. OECD (2004), “Tax administration in OECD countries: Comparative information series”, prepared by forum on tax administration compliance sub-group, <https://www.oecd.org/tax/forum-on-tax-administration/publications-and-products/comparative/CIS-2004.pdf>
6. www.stat.uz. (Давлат статистика қўмитаси) маълумотлари
7. www.stat.uz. (Давлат статистика қўмитаси) маълумотлари